

“Ўзтрансгаз” АЖ акциядорларига!

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш

“Ўзтрансгаз” АЖ акциядорлик жамияти, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 85а уйда жойлашган, телефон рақами: (71) 202-10-60, электрон почта манзиллари: info@utg.uz, korporativ@utg.uz, “Ўзтрансгаз” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2023 йил 6 июнь соат 15:00 да, Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 85а уйда жойлашган “Ўзтрансгаз” АЖ биносининг мажлислар залида бўлиб ўтиши ҳақида хабар қилади.

Кун тартиби:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши иш тартибини, санок комиссиясининг микдорий ва шахсий таркибини ҳамда унинг ваколат муддатини тасдиқлаш.
2. “Ўзтрансгаз” АЖ янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш.
3. “Ўзтрансгаз” АЖ янги таҳрирдаги ижроия апаратининг тузилмасини тасдиқлаш.
4. “Ўзтрансгаз” АЖ “Ижроия орган тўғрисидаги” Низомига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар бериш учун акциядорларнинг реестрини шакллантирадиган сана - 2023 йил 15 май.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи учун акциядорлар реестрини шакллантирадиган сана - 2023 йил 31 май.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қатнашчиларини рўйхатга олиш 2023 йил 6 июнь соат 14:30 дан 14:55 гача ўтказилади. Акциядорлардан улар билан шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва акциядорларнинг вакилларида ишончнома талаб қилинади.

Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш жараёнида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқиладиган маълумотлар (материаллар) билан “Ўзтрансгаз” АЖ (Шаҳрисабз кўчаси, 85а уй) биносида танишишлари мумкин.

“Ўзтрансгаз” АЖ Кузатув кенгаши